



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA  
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI  
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“24” август 2021 й. № 02-06/4068

## Рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгги вақтларда интернет ва ижтимоий тармоқларда вазн ташлашга ёрдам берувчи табиий чойлар, дамламалар, шифобахш сувлар, дори воситалари, биологик фаол қўшимчалари рекламасига кўзимиз тушади ва хилма-хиллигидан танловни амалга ошириш бир оз қийин кечади. Кўпинча, рекламаларда уларнинг аксарияти машқларсиз, парҳезсиз ва безарар озиш мумкинлигини келтирилади.

Бундан ташқари, оздирувчи препаратлар рекламаларида **“супер тез озиш”, “озишнинг энг осон йўли”, “тўғри озиш”, “зарарсиз озиш”, “осон озиш”, “хавфсиз озиш”, “икки баробар тез озиш”, “жуда осон озиш сири”, “7 кунда озиш”** ва бошқа шу каби бўрттирувчи ва ноаниқ иборалардан кенг фойдаланилмоқда, натижада, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларга юзага келмоқда.

Шу билан бирга, ушбу маҳсулотлар асосан хориждан келтирилиши ва бунинг натижасида, уларнинг қадоғида ножўя таъсири, қарши кўрсатмаларнинг мавжудлиги тўғрисида ахборотлар хорижий тилларда келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қўлланиши ва реализация қилиниши юзасидан тегишли давлат органлари махсус рухсатнома бермай туриб косметика воситалари, маиший кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, витаминли ва биологик жиҳатдан таъсирчан озиқ-овқат қўшимчаларини реклама қилиш тақиқланади. Таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари бўлган дори воситаларини реклама қилиш ҳам тақиқланади.

Оздирувчи препаратларнинг аксариятида таркиби, келиб чиқиши, тайёрланиши, ишлаб чиқарувчиси, сақлаш шартлари, қўллаш усули, ножўя таъсири ва бошқалар тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилмаган.

Шу сабабли истеъмолчилар нотўғри маълумотларга дуч келишади ва ўзлари билмаган ҳолда хавфли маҳсулотни сотиб олишлари мумкин.

Бу тўғридан-тўғри “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бир қатор моддаларини бузиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, Агентлик рекламадан фойдаланувчиларни, вазн ташлашга ёрдам берувчи (оздирувчи) маҳсулотларни харид қилишдан олдин уларнинг таркибини диққат билан ўрганиб чиқишга ҳамда фақатгина шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда қарор қабул қилишга чақиради.

**Директор ўринбосари**



**А.Қурбонов**